

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА УЧ БОСҚИЧЛИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ТИЗИМИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ТАРИХИ

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-21>

Ёдгоров Зоиржон Шакарбоевич,
Жиззах политехника институти
“Ўзбекистон тарихи ва ижтимоий фанлар”
кафедраси катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада мустақиллик йилларида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, улар ўртасида спортни оммалаштириш давлат сиёсатида устувор аҳамият касб этганлиги ёритилган. Шунингдек, Ўзбекистонда “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” каби уч босқичли яхлит миллий тизими яратилганлиги, барча ёшдаги ўқувчилар соғлигини тиклашда жисмоний тарбия ва спортнинг ролини оширишга имкон бераётганлигига эътибор қаратилган. Спорт турлари бўйича иқтидорли ёшлардан республикамиз терма жамоаларини шакллантириш тизими яратилиши ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Жисмоний тарбия ва спорт, “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада”, соғлом авлод, соғлом турмуш тарзи, олимпиада.

ИСТОРИЯ ВОЗНИКНОВЕНИЯ СИСТЕМЫ СПОРТА И ТРЁХ ЭТАПНОГО ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Ёдгоров Зоиржон Шакарбоевич,
старший преподаватель кафедры Истории и
общественных наук Узбекистана, ДжизПИ

АННОТАЦИЯ

В статье освещено создание единой трёхэтапной национальной системы “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” в независимом Узбекистане. Это даёт возможность повысить роль спорта и физического воспитания в восстановлении здоровья учащихся любого возраста. Изложено создание системы формирования республиканской сборной команды талантливой молодёжи по видам спорта.

Ключевые слова: Физического воспитание и спорт, “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада”, здоровое поколение, здоровый образ жизни, олимпиада.

THE HISTORY OF THE ESTABLISHMENT OF A THREE-TIERED PHYSICAL TRAINING AND SPORTS SYSTEM INDEPENDENT UZBEKISTAN

Yodgorov Zoirjon,
Senior Lecturer at the Department of
“History of Uzbekistan and Social Sciences” JizPI


ANNOTATION

In the article it is stated that three – tiered national system: “Umid nihollari”, “Barkamol avlod”, “Universiada” was created in Uzbekistan in the years of independence. It helps to enhance the role of physical training and sport in restoring the health of youth at all ages. The article outlines the creation of a national team that consists of talented young people in different sports.

Key words: Physical training and sport, “Umid nihollari”, “Barkamol Avlod”, “Universiada”, healthy generation, healthy lifestyle, olympics.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунидан бошлаб, соғлом авлод тарбиясига алоҳида эътибор қарата бошлади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг фикрлари эътиборга моликдир: “Кишилик жамияти эл-юртига, ватанига садоқатли, иймон-эътиқоди бутун, мард ва жасур, малакаси етук, маънавияти юксак инсонлар билан ҳақли равишда фахрланади. Бу улуғвор, бетимсол бойлик ҳар қайси давлатнинг қудратли салоҳияти манбаидир. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, халқимиз тарихнинг машаққатли синовлари оша ўзининг ана шу олижаноб хусусиятларига завола етказмай сақлаб келмоқда. Аждодларимизнинг ўз наслларини умумбашарий туйғулар, ўлмас Шарқ фалсафаси, миллий кадриятларимиз руҳида тарбия қилиб келганлар. Ота-боболаримиз асрлар давомида тилимиз ва динимизни, ўзбекнинг ўзлигини ҳар тамонлама асраб-авайлаб, баркамол авлодларни вояга етказдилар. Бундай фазилатлар асл эътиборига кўра, бизнинг заҳматкаш халқимизга муносибдир ва бу билан ҳар қанча ғурурлансак арзийди. Олдимизга мустақил буюк давлат куришдек мураккаб ва шарафли вазифа турган бир пайтда бу маънавий кадриятларнинг аҳамияти минг қарра ортади. Нега деганда, ҳар қандай улуғ мақсадларга етишиш, янги жамият, фаровон турмуш қуруш, инсон зотиغا муносиб гўзал ҳаёт барпо этиш, аввало, шу жамият аъзолари бўлган комил одамларга, келажак баркамол авлодга боғлиқдир. Соғлом авлодни тарбиялаш – буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини куриш деганидир. Биз тарихан қисқа фурсат ичида бошқа соҳаларда бўлгани каби бу борадаги мақсад ва бурчимизни ҳам яхши англаб етдик. Бизга шу вақтга қадар ҳасад билан қараганлар ҳам энди ҳавас билан қарамоқда, танланган йўлимиз тўғри эканини тан олмақда[1].

Ўзбекистон Республикасида ўқувчи ёшларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига узлуксиз жалб қилишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг



ташаббуси билан қабул қилинган “Таълим тўғрисида” [2]ги, **“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”** қонуни[3] ва Ўзбекистон Республикасининг **“Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”** қонуни[4] асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **“Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”** 1999 йил 27 майдаги 271-сонли қарори[5]га биноан, мамалакатимизда уч бўғинли спорт тизими яратилиб, узлуксиз таълим тизимида амалга оширила бошланди.


Биринчи бўғин. “Ёшлик” спорт жамияти доирасида умумий ўрта таълим мактабларининг 1-9 синфлари ўқувчилари қамраб олинади. Ўқувчилар учун ҳар уч йилда **“Умид ниҳоллари”** ўйинлари ўтказилади-дастлабки босқичда кузги таътилда мактабларда, туманларда, иккинчи босқич қишки таътилда вилоят миқёсида, учинчи босқич баҳорги таътилда мамлакат миқёсида бўлиб ўтади.

“Умид ниҳоллари” ўйинлари ўқувчи ёшларни фойдали ва мазмунли ҳаракатга йўналтириш, курашда чиниқтириш, жамоа бўлиб ҳаракат қилиш, ёшларда жисмоний тарбияга бўлган эҳтиёжни пайдо қилиш ва кучайтириш, ғалабага интилиш фазилатларини тарбиялаш, яъни спортни ёшларнинг ҳаётий эҳтиёжига айлантириш мақсадига хизмат қилади. Шу билан бирга ўқувчиларнинг шахсий-ижтимоий ривожланиши, иқтидорли ёшларни спорт заҳирасига киритишни ҳам назарда тутди

Иккинчи бўғин. “Баркамол авлод” спорт жамияти доирасида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари қамраб олинади. Коллежлар ва академик лицейлар ўқувчилари ўртасида йилига бир марта **“Баркамол авлод”** спорт мусобақалари ўтказилади. Мазкур мусобақаларнинг дастлабки босқичи ўқув муассасалари доирасида октябрь-январь, вилоят босқичлари январь-апрель, мамлакат якуний босқичи уч йилда бир марта апрель-май ойларида ўтказилади. Бу мусобақалар ўқувчиларни жисмоний ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий хизматга тайёрлаш борасида кенг қамровли ишларни янги босқичга кўтаришга, спорт заҳирасини янги иқтидорли ёшлар билан мунтазам тўлдириб боришга ёрдам беради.

Учинчи бўғин. “Талаба” спорт жамияти доирасида олий ўқув юртлари талабалари орасида **“Универсиада”** спорт мусобақалари ўтказилади. Мусобақалар мамлакат миқёсида олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ҳар уч йилда бир марта ўтказилиб, мамлакат терма жамоаларини доимий равишда юрт шарафини нуфузли халқаро мусобақаларда ҳимоя қила оладиган спортчилар билан тўлдириб бориш имконини беради.

Янги тизим мамлакатимизнинг барча ўқувчи ёшларини тўла қамраб олади. Илк бор умумий ўрта таълим мактабларида спорт ўқувчининг кундалик эҳтиёжига айланса, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида унинг доимий ҳамроҳи бўлиб қолади. Олий ўқув юрти яъни Университет ва институтларда эса бу ҳамроҳ уни нуфузли халқаро мусобақаларга олиб чиқади. Мусобақаларда кашф этилган ғолиблар Ўзбекистон Республикаси терма жамоаларига қабул қилинади. Бу яхлит тизимнинг яна бир муҳим томони-бу тизимларда спортнинг маълум тури бўйича фаолият кўрсатган йигит-қизлар бу борадаги ишларини бўлажак оиласида,



меҳнат жамоаларида ҳам давом эттирадилар. Бу янги яхлит бир механизм тарзида доимий ишлаб туриши қуйидаги вазифаларни ечишга имкон беради:

Биринчидан, “Таълим тўғрисида” ги қонун ва **“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”** доирасида ўқувчи ёшларни спортга жалб қилишнинг ягона тизими яратилади, мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ва олий ўқув юртлари талабаларининг жисмоний тарбия ҳамда спортга бўлган эҳтиёжлари тўлиқ таъминланади.

Иккинчидан, жисмоний тарбия ҳаракатининг оммавийлигини таъминлашга, барча ёшдаги ўқувчилар соғлигини тиклашда жисмоний тарбия ҳамда спортнинг ролини оширишга имкон беради, спорт турлари бўйича иқтидорли ёшлардан республикада спорт терма жамоаларини шакллантириш тизими яратилади.

Учинчидан, мактаблар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, болалар-ўсмирлар спорт мактабларидаги спорт ишлари, мураббийлар, жисмоний тарбия ўқитувчилари фаолиятлари устидан самарали назорат тизимини яратиш таъминланади.


Тўртинчидан, жойларда спорт базаларини янада ривожлантириш, мавжуд тизимларни такомиллаштириш, кадрлар даражаси ва савиясини ошириш, соғлом муҳит яратиш вазифалари ҳал қилинади.

Бешинчидан, мамлакатимизда кенг миқёсда спорт либослари, анжомлари ишлаб чиқариш тизимларини яратишга, мавжудларини кенгайтиришга, такомиллаштиришга имкон беради.

Бу уч босқичли яхлит тизим, шахсни жисмоний ва маънавий мукаммаликка юксалтиришнинг муҳим омили бўлган жисмоний тарбия ва спорт Ўзбекистон Республикасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг устувор йўналишига айланади. Оммавийликдан юксак спорт ютуқларига йўналтирилган янги тизим ўқувчи-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириши билан халқаро спорт майдонларида Ўзбекистон Республикаси нуфузини янада оширишига хизмат қилади.

Эртанги ёруғ мақсадлар учун ҳозирдан ҳаракат қилаётган мустақил Ўзбекистон Республикасида ёш авлоднинг соғлом вояга етишига-жиддий эътибор берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг **“Таълим тўғрисида”** ги ва **“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”** га мувофиқ яратилган ягона, яхлит узлуксиз спорт тизими бугун жамият ҳаётига тўлиқ жорий этиб борилмоқда. Бинобарин, бу борада биринчи қадамлар 2000 йилнинг 22 майида Наманган шаҳрида мазкур уч босқичли оммавий спорт тизимининг энг юқори босқичи ҳисобланмиш **“Универсиада”** спорт мусобақаларини ўтказиш билан ташланган эди.

2000 йилнинг май ойида бўлиб ўтган Намангандаги **“Универсиада”** ни ташкил қилишдан асосий мақсад-талабаларни ақлан соғлом, жисмонан бақувват, маънавий баркамол, ўз Ватанига содиқ, унинг ҳимоясига тайёр қилиб тарбиялаш, спорт билан доимий шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратиш, спорт шўъбаларини ташкил этиш, талабаларни ўқишдан кейинги бўш вақтларини жисмоний тарбия ва спорт кенгроқ жалб этишга эришишдир. Спорт билан талабаларнинг ошно тутиниши уларнинг ҳар тамонлама ривожланишида,



баркамол инсон бўлиб етишишида, қонунбузарлик ва бошқа иллатлардан холос қилишида асосий омил бўлиб хизмат қилади. Қолаверса, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш талабаларнинг кундалик машғулотиغا айланмоғи лозим.


2000 йил 22 май куни Наманган шаҳрида “**Универсиада-2000**” нинг тантанали очилиш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов “**Универсиада-2000**” спорт анжумани қатнашчиларига табрик йўллади. Унда шундай дейилади: “Ватан, халқ шуҳратини дунёга тараннум этишда спортнинг ўрни бекиёсдир. Жаҳон миқёсидаги кўплаб нуфузли мусобақаларда ўзбек ёшлари эришаётган ғалабалар бу ҳақиқатни тасдиқлаб турибди. Спорт нафақат жисмоний балки маънавий камолотга етишишда ҳам муҳим омилдир. У иродани тоблайти, аниқ мақсад саринтилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгишга ўргатади. Инсон қалбида ғалабага ишонч, ғурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялайди.

Мен барча ўғил-қизларимизни, спортчи ёшларимизни халқимизнинг умид юлдузлари, эртанги кунимизнинг ишончи ва таянчи деб биламан. Соғлом ва билимли ҳамда фидойи фарзандлари бўлган халқ, албатта, ўзининг буюк келажагини барпо этади. Сиз, Универсиада қатнашчиларига, янгидан-янги ютук ва зафарлар тилайман. Ишонаманки, эл-юрт равнақи йўлида қайси соҳада меҳнат қилишингиздан қатъий назар, спорт ҳамиша ҳамроҳингиз бўлиб қолади” [6].

Айниқса, Наманганда “Кичик олимпиада” универсиаданинг ўтказилиши, 15-нафар ғолиб талаба спортчи Президентимизнинг совғаси – “Тико” автомобили топширилиши ёшларимизнинг спортга бўлган қизиқишини янада ошириб юборди. Бироқ Юртимизга хос фазилатлардан бири шуки, эришилган ютуқлардан хотиржам бўлмайди, дарҳол янги марраларни кўзлайди, ўзгаларини ҳам янги зафарларга илҳомлантиради, халқимизга яхшилик соғинади.

Кейингийилларда мамлакатимиз аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида жисмоний тарбия ва спортни кенг миқёсда ривожлантириш устувор масалалардан бирига айланиб бормоқда. Юртимиз вакилларининг турли халқаро беллашувларда, Олимпиада ўйинлари ва Жаҳон биринчилиги мусобақаларида юксак натижаларга эришаётгани, республикамизнинг спорт салоҳияти янада ошаётгани, марказда ва жойларда жаҳон андозаларига мос мухташам спорт мажмуалари, замонавий стадион ва кортлар барпо этилаётгани, ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида уч босқичдан иборат “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” ўйинлари тобора оммалашиб бораётгани, айниқса, эътиборлидир. Шу билан бирга, оммавий спортнинг инсон ва оила ҳаётидаги ролини, унинг жисмоний ва маънавий соғломликнинг асоси эканини тарғиб-ташвиқ қилиш, ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларга ўз қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришда спортнинг аҳамиятини очиб бериш, дунёда Ўзбекистон Республикасининг обрў-эътиборини янада ошириш борасида жисмоний тарбия ва спортнинг мавжуд имкониятларидан самарали фойдаланиш жуда катта аҳамиятга эгадир.

Юқорида таъкидланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг



1999 йил 27 майдаги “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 271-сонли қарорида кўпроқ ёшлар спортини оммавий равишда ривожлантиришга қаратилган ҳамда оммавий-спорт тадбирларини ташкил қилишга йўналтирилгандир.

Шу сабабли, спорт машғулотларига ўқувчиларни оммавий равишда, узлуксиз жалб қилишни ташкил этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йили 3 июнда “Ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида” ги 244-сонли қарори[7] қабул қилинди.

Мазкур қарор асосида мамлакатда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабаларининг “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” мусобақаларининг ҳудудларда республика финал босқичларини ўтказиш режаси белгиланди.

2000 йилдан бошлаб узлуксиз спорт мусобақалари тизими асосида талабалар ўртасида “Универсиада”, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида “Баркамол авлод” ва ўқувчиларнинг “Умид ниҳоллари” спорт мусобақалари ўтказила бошланди.

Биринчи Президент Ислон Каримов бошчилигида ишлаб чиқилган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” га мувофиқ таълим модели асосида, ўқувчи-ёшларнинг жисмоний тарбия ва спортга узлуксиз жалб қиладиган, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабаларининг “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” оммавий спорт мусобақаларини ўз ичига олган уч бўғинли ягона тизим ташкил қилинди. Шу борада уч босқичдан иборат узлуксиз тизим - “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” спорт ўйинлари бу йўналишдаги амалий ишларимизнинг яққол намунаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди. Спортга ёшлиқдан ихлос қўйиб, унинг сир-асрорларини ўрганиш, машаққатли машғулотларда чиниқиш, иродасини тоблаш, мардлик ва матонат, ўз-ўзини енгиш, ўз олдига қўйган мақсадларга эришиш учун бор куч-ғайратини сафарбар этиш каби хусусиятларни камол топтириш айнан шу уч поғонали ноёб тизимнинг моҳиятини ташкил этиб, миллионлаб ёшларимиз учун маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда[8].

Мазкур спорт мусобақаларини асосий мақсади, ўсиб келаётган ёш авлод қалбида спортга муҳаббат туйғуларини камол топтириш, уларни спортда эришган натижаларини намойиш этиш, ёшларда соғлом турмуш тарзи тамойилларини, мустаҳкам ирода, ватанпарварлик ва эл-юртга фидойилик фазилатларини шакллантириш, спорт билан шуғулланиш учун замонавий талаблар даражасидаги шарт-шароитларни яратиш, ёшлар онгида юксак олимпия тамойилларини қарор топтиришдир.


Ўқувчи-ёшларни оммавий спорт мусобақаларига кенг жалб қилишни бошқариш қуйидаги дастурий ёндашув асосида шакллантирилди:




Мазкур жараёнларни самарали бошқаришнинг асосий тамойиллари сифатида қуйидагилар белгиланган:

- узвийлик ва давомийлик;
- мақсадлилиқ ва самарадорлик;
- тармоқ ва ҳудудий имкониятлар асосида ўз-ўзини маблағ билан устувор таъминлаш;

Оммавий спорт ўйинларини дастурий ёндашув асосида бошқаришнинг юқоридаги тизими охир-оқибатда мазкур тадбирларнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлайди.



“Умид ниҳоллари” - “Баркамол авлод” - “Универсиада” спорт мусобақалари-бу Кадрлар тайёрлаш миллий дастури муҳитида юзага келган уч босқичли ноёб жисмоний тарбия ва спорт тизимидир. Мазкур спорт ўйинлари ҳар бир шаҳар ва қишлоқ, ҳар бир хонодонга спортни олиб кириш, шу асосда жисмонан бақувват, руҳан тетик, фикран соғлом, иймон-эътиқоди мустаҳкам, маънавияти юксак, билимли, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни камол топтиришга хизмат қилмоқда. Ҳозирги вақтда уч бўғинли ягона яхлит тизим тўлиқ амалиётга жорий этилди. Ва ҳеч бир давлат тажрибасида кузатилмаган бу янгилик жаҳон ҳамжамияти тамонидан ижобий баҳоланди. Бу тизим йилдан йилга такомиллашиб давом




этаверади. Ватанимиз ўғил-қизларининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мунтазам равишда малакаларини оширишда ёрдам бераверади. Бу илк бора бизнинг мамлакатимизда ишлаб чиқилган спортнинг яхлит тизими спортга қизиқиши катта бўлган ёшларнинг айна кўнглидаги иш бўлди. Бу уч босқичли ягона яхлит тизимдаги спорт ўйинларида қатнашган ёшларимиз келгусида ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол бўлиб етишадилар ҳамда Ватан равнақи учун ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Мамлакат ёшлари орасида “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ҳамда “Универсиада” мусобақаларини ўтказиш ғояси Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган. Ҳа, мустақил Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти бу маънода зукко ва донишманд раҳбар сифатида жуда узокни кўзлаб иш юритишларини намоён қилдилар. Юртбошимизнинг ўз фарзандлари ҳақида қилган меҳрибонлиги, ғамхўрлиги диққатга сазовор ва ибратлидир. Ҳамма нарса ёшларни руҳлантириш, ўзига ишонч уйғотиш ва кўнгилларига Ватан билан фахрланиш туйғусини, фарзандлик ғурурини жойлашдан иборат. Бу қутлуғ қадамлар замирида ҳам Ватанга бўлган муҳаббатни тарбиялаш, ҳам аждодларга муносиб баркамол авлод бўлиб етишиш масъулиятини, ҳам ана шу фарзандларга боғлиқ Ватан тақдири ташвиш-орзулари ётади. Бу орзулар эса “Ўзбекистон-келажаги буюк давлат” деган улуғ мақсадга уланиб кетади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –Б. 69-70.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда). – Тошкент: 1997 йил 29 август, 464-І-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 150-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда). - Тошкент, 1997 йил 29 август, 463-І-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида” янги таҳрирдаги қонуни. – Тошкент, 2015 йил, 4 сентябрь, ЎРҚ-394-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 271-сонли қарори.
6. Каримов И.А. “Универсиада - 2000” спорт анжумани қатнашчиларига табрикнома. 2000 йил 23 май. ХХІ аср: истиқболимиз тимсоллари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2001. –Б. 226.



7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июндаги “Ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги 244-сонли қарори..

8. Каримов И.А. “Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш - барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир”. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. Асарлар 15 - жилд. –Б. 265-266.